



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2018 йил 20 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 218 (13.815)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ КОНГРЕССИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 ноябрь куни конгрессмен Трент Келли бошчилигидаги АҚШ Конгресси делегациясини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари таркибда АҚШ Вакиллар палатаси аъзолари Висенте Гонсалес, Рональд Эстес, Роджер Маршалл ва Женнифер Гонсалес Колон ҳам бўлган делегацияни самимий кутилган экан, конгрессменларни АҚШ парламентидаги ораллик сайловнинг муваффақиятли ўтгани билан табрикланди.

Кейинги йилларда кўп қиррали Ўзбекистон – АҚШ ҳамкорлиги жадал ривожланиб бораётгани чуқур мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил май ойида Вашингтонда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб бергани таъкидланди.

Турли йўналишлар бўйича икки томонлама алоқалар фаоллашди, конструктив сиёсий мулоқот йўлга қўйилди, парламентларо алоқалар, шунингдек, маданий-гуманитар ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик кенгайтирилди.

Савдо-иқтисодий соҳада биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан ўзаро савдо ҳажми ошириш, Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилишга етакчи АҚШ компанияларининг тўғридан-тўғри инвестициялари ва технологияларини жалб этиш борасида аниқ манзилли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жорий йил бошидан буён ўтган даврнинг ўзига ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробар ортди, мамлакатимизда АҚШ капитални иштирокида 25 дан зиёд янги корхона ташкил этилди.

Октябрь ойида мамлакатимизда АҚШ савдо ва-

зири Уилбур Росс бошчилигидаги нуфузли делегация иштирокида биринчи марта Америка бизнеси ҳафталигининг ишбилармонлик тадбирлари ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари АҚШ Вакиллар палатасида конгрессменлар Т.Келли ва В.Гонсалес раҳбарлигида "Ўзбекистон бўйича кокус" ташкил этилганини мамнуният билан қайд этди. Ушбу механизм ҳар томонлама муносабатларни кенгайтириш ва аниқ иқтисодий лойиҳаларни илгари суришда самарали омил бўлиб хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларга доир, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик учун қулай шароитлар яратиш ҳамда бу борадаги қўшма лойиҳаларни, аввало, ҳудудларро даражада қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Конгрессменлар давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда янги босқичда амалга оширилган ҳамда барча соҳа ва йўналишларни қамраб олган ислоҳот ва янгиланишларга юксак баҳо берди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни кенгайтиришга фаол қўмақлашишга тайёрлик таъкидланди.

ЎЗА

АҚШ КОНГРЕССМЕНЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ ҲАҚИДА

Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувдан сўнг АҚШ Конгресси делегацияси аъзолари ЎЗА мухбирига Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида янги босқичга чиқаётган ҳамкорлик ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди.

Трент Келли, конгрессмен:

– Мамлакатимизга таширишимизнинг асосий мақсади Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги икки томонлама манфаатли алоқаларни чуқурлаштириш ва янада ривожлантиришдан иборат. Шунингдек, таъкидлаш кераки, ушбу таширишимиз мамлакатларимиз амалий мулоқотнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Бугун АҚШ Конгрессида Ўзбекистон бўйича алоҳида парламент гуруҳи – "кокус" ташкил этилди ва у жуда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу гуруҳ америкаликларнинг Ўзбекистон ва ўзбек халқи ҳақида тўлақонли маълумотга эга бўлиши, парламентларимиз ва турли соҳалар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, мақсади бу жараёнга қўмақлаштириш.

Висенте ГОНСАЛЕС, АҚШ Вакиллар палатаси аъзоси:

– Мамлакатларимиз ўртасида муш-

тарак жиҳатлар кўп. АҚШ ҳам, Ўзбекистон ҳам ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни қўллаб-қувватлайди.

Мен АҚШнинг Техас штатиданман. Фаолиятим нефть-газ соҳасига оид. "Кокус" ушбу тармоқлар, шунингдек, энергетика, соғлиқни сақлаш, муҳофаза, савдо соҳаларида ҳам ҳамкорлик олиб боради.

Американинг ташки муносабатларида Ўзбекистон Марказий Осиёдаги стратегик ҳамкор сифатида муҳим ўрин тутади. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги тенг манфаатли алоқаларни ривожлантиришда фаол ташаббусларни илгари сурапти. Биргаликда муносабатларимизни узок йиллар давом эттиришдан биз ҳам манфаатдоримиз.


Женнифер ГОНСАЛЕС КОЛОН, конгрессмен:

– Бугун Америка – Ўзбекистон муно-

сабатлари юқори босқичга чиқди. Президентингиз билан учрашув, шунингдек, мамлакатингиз парламенти ва қатор ташкилотлардаги музокараларимиз ўзаро ҳамкорликдан икки томон ҳам бирдек манфаат қўлаётганини намоён этди.

Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар, барча соҳадаги модернизация жараёнлари юртингизнинг нафақат сиёсий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам ривожланган давлатлар қаторига кириши учун замин яратётганига амин бўлдим. Янги тузилма таълим, хавфсизлик, ахборот технологиялари, бизнес каби кўплаб соҳаларда қўшма лойиҳаларни самарали амалга ошириш, ҳамкорликни истиқболли йўналишлар билан бойитишга хизмат қилади.

М.ЭЛМУРОДОВ
ёзиб олди



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

19 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Мулоқот аввалида давлат раҳбарлари қардош мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши кўшчилик ва стратегик шериклик муносабатлари жадал ривожланиб, илгари суришда самарали омил бўлиб хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Барча даража ва йўналишлардаги алоқалар фаоллашуви кўп қиррали Ўзбекистон – Қозоғистон ҳамкорлигини янада кенгайтиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Ўзаро савдо ҳажми ортиб, иқтисодиётнинг турли тармоқларида, хусусан, ҳудудлар ва ишбилармон доиралар ўртасида кооперация кенгайтириб бормоқда. Жорий йил 15 ноябрь куни Чимкент шаҳрида икки мамлакат чегараоли ҳудудлари ва етакчи компаниялари раҳбарлари иштирокида биринчи ҳудудларро ҳамкорлик форуми муваффақиятли ўтказилди.

Қозоғистонда Ўзбекистон йили доирасида ишбилармонлик ва маданий-гуманитар алоқалар дастури сермазмун бўлгани қайд этилди. Йил бошидан буён жами

50 дан ортиқ қўшма тадбир ўтказилгани бунинг тасдиғидир.

Мулоқот давомида давлат раҳбарлари олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасидаги амалий ҳамкорлик истиқболларини, шунингдек, бўлажак тадбирлар режасини муҳокама қилди.

Долзарб минтақавий ва халқаро масалалар, жумладан, 2019 йилда мамлакатимизда ўтказиладиган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг иккинчи маслаҳат учрашувига тайёрлик ишлари ҳусусида фикр алмашилди.

Мулоқот сўнггида давлат раҳбарлари қардош Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларининг фаровонлиги ҳамда бутун минтақадда барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш йўлида кенг кўламли ҳамкорликни бундан буён ҳам фаол ривожлантириш, кўп асрлик дўстлик ва яхши кўшчилик ристаларини, икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш борасида интилишлари қатъий эканини таъкидлади.

ЎЗА

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2018 ЙИЛ 9 ОЙИДАГИ ИЖРОСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

2018 йил 17 ноябрь санасининг иккинчи ярмида депутатлар ўз ишларини давом эттирдилар. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2018 йил тўққиз ойидаги ижроси муҳокама қилинди.

Мажлисида таъкидланганидек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни изчил амалга ошириш ҳамда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини тубдан ривожлантириш, бунга масъул идоралар фаолиятини таркибий ўзгартириш бўйича олиб борилган ислоҳотлар ижроси натижасида 2018 йилнинг тўққиз ойи давомида иқтисодиётнинг барқарор, мувозанатли тарзда ривожланиши ҳамда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланди.

(Давоми 2-бетда)

Халқ сўзи Народное слово

Тошкент Оқшомми Вечерний Ташкент

ГАЗЕТХОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шу кунларда "Тошкент оқшомми", "Вечерний Ташкент" ҳамда "Халқ сўзи" — "Народное слово" газеталари тахририяти журналистлари шахримиздаги корхона ва ташкилотларда учрашувлар ўтказиб келмоқда.

Ижодкорлар муштарийлар билан мулоқот чоғида уларнинг газеталар мазмун-мундарижасини янгилаш, таъсирчанлигини ошириш, долзарб мавзуларни эътиборни тортадиган даражада

ёритишга қаратилган тақлиф-истакларини муҳокама қилиштилар. Аҳолининг жойлардаги муаммо ва камчиликлар борасидаги фикр-мулоҳазаларини тинглаган ҳолда мазкур масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок этишларини билдириштилар. Айтиш жоизки, ижодий гуруҳлар таркибига таниқли адиб ва шоирлар, илм-фан ва маданият соҳаси вакиллари ҳам жалб этилган.

Ўзаро ҳурмат ва ишончга қурилган шу каби учрашувларда, мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ислоҳотлар, инсон қадрини улуғ бўлган жамиятимизда юз бераётган янгиланишлар, Президентимизнинг халқимиз фаровонлигига йўналтирилган эзгу ташаббуслари ҳусусида ҳам атрафлича сўз бормоқда.

Бундай учрашув ва мулоқотлар пойтахтимиз туманларида қизгин давом этаёпти.

"ТАШАББУС – 2018": **ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ**
ЭНГ МУНОСИБЛАР, ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОРЛАР АНИҚЛАНДИ

"Ташаббус" республика кўрик-танлови тадбиркор, фермер ва хўнарамандларнинг энг фаолларини аниқлаш, креатив гоғлар асосидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришда муҳим майдон вазифасини ўтамоқда.



юртимизда тадбиркорлик ривожини йўлида кўрсатилаётган тизимли саъй-ҳаракатлар қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга, тадбиркорлар манфаатларини ҳимоялашга, уларнинг эркин ва самарали фаолият кўрсатишига имкон яратётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

Пойтахтимиздаги "City Palace Hotel Tashkent" меҳмонхонасида бўлиб ўтган "Болалар ва ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида оиланинг роли" мавзусидаги ҳалқаро илмий-амалий конференция Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан ташкил этилди.

Тадбирда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, олимлар, маҳалла ва хотин-қизлар соҳаси фаоллари, педагог ва психологлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманда сўз олган "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази директори Д.Тошмухамедова, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Б.Абдуҳалимов, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши раисининг ўринбосари Д.Мирзажанонова ва бошқалар юртимизда оила манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоялаш, оила муҳитининг ёш авлод тарбиясига таъсири баркамол авлоднинг униб-ўсишида ва комил инсон бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаб ўтдилар.

Конференция ишида "Болалар ва ёшларни тарбиялашда маънавий мерос ва миллий қадриятларнинг ўрни", "Маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий таълимни шакллантириш бўйича замонавий тадқиқотлар", "Дунё динларида тинчлик ва осойишталик, бағрикенглик ва ахлоқ мавзуси", "Оилани мустаҳкамлаш соҳасидаги тадқиқотларнинг устувор йўналишлари" каби мавзуларда илмий-амалий изланишлар олиб бораётган хорижий ҳамда маҳаллий олим ва тадқиқотчиларнинг юздан ортик мақола ва монографиялари тақдим этилди.

"Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг маънавий оламини юксалтириш, онгу тафаккурини теранлаштириш ҳамда оила фаровонлигини ошириш, тинчлигини мустаҳкамлаш ва манфаатларини ҳимоялашга муносиб ва фаол ҳисса қўшиб келмоқда.

Мазкур конференция ҳам ёшлар ўртасида эзгулик ва бунёдкорлик гоёларини тарғиб этиш, фарзандларимизни турли зарарли иллатлардан асраш, уларни ҳар томонлама соғлом ва етук инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Оилани ҳар томонлама ҳимоялаш, унда вояга етаётган ўғил-қизлар орасида маънавий-маърифий ишларни изчиллик билан олиб

ОИЛА – МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

бориш, миллий аънава ва қадриятларимизга таянган ҳолда камолга етказиш каби саяёҳаракатларни олиб бориш марказимизнинг устувор мақсадларидан бири саналади, – дейди "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази матбуот котиби Гўзал Матёкубова. – Мазкур конференцияни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад эса, фарзанд тарбиясида оиланинг масъулиятини ошириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом турмуш тарзига амал қилишда боланинг оилада яшаш ва тарбия қилиш ҳуқуқини таъминлаш, оилаларда маънавий муҳит ва қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган.

Анжуманда хорижий давлатларнинг етук мутахассислари ва экспертлари ёш авлодда одобахлоқ, маънавий қадриятлар, ота-онага ва ёши улуғ инсонларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш омиллари, оиланинг тарбиявий-маданий-илмий салоҳиятини ошириш борасида халқаро тажрибани ўрганиш ва мамлакатимизда оммалаштириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

– Бизнинг мамлакатимизда айрим ёшларнинг ёлғиз ҳаёт кечирishi, оила қуришга беэътиборлик билан қараши ҳолатлари ҳам учраб турибди, – дейди Корея халқаро муносабатлар университети профессори Ким Пенг Иль. – Шунинг учун ҳам юртимиздаги таълим муассасаларида оилавий қадриятларга оид дарслар, ўқув курслари жорий этилмоқда. Мазкур анжуман ҳам ёшлар тарбиясида оиланинг аҳамиятига доир устувор вазифаларни белгилашда, бошқа мамлакатлар тажрибаларини таҳлил этиш ва ибратлиларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

– Бугунги глобаллашув даврида бир қатор мамлакатлар қатори Испанияда ҳам болалар 18 ёшга тўлгач мустақил яшаш учун ота-онаси ва оиласидан алоҳида бўлиб чиқиб кетади, – дейди Испаниядаги Мадрид автоном университети иқтисодий тадқиқотлар мактаби директори Мануэл Хуан. – Бу эса ёшларнинг оиладан ва яқинларидан узоқлашишига ҳамда тарбиясида салбий таъсир кўрсатади. Шу ўринда ўзбек оилаларининг қадимий қадриятларга таяниб иш қўриши, келажак авлод тарбиясидаги роли, оила мустаҳкамлигига маҳалланинг катта масъулият билан қараши ташаббусли лойиқдир.

Конференцияда оилалар мустаҳкамлиги ҳамда ёш авлод таълим-тарбиясида оиланинг тутган ўрни ва роли борасида илғор хорижий ва халқаро тажрибани ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди.

Хорижлик мутахассислар ўзлари олиб борган илмий-амалий тадқиқотлар, изланишлар натижаларини ўртоқлашиб, ўзаро тажриба алмашди. Тадбир доирасида фарзандлар тарбиясида бугунги кунда самарали ютуқларни амалиётга табиқ этиш, қандай салбий иллатлардан воз кечиш бўйича фикр ва мушоҳадалар баён этилди.

Қизгин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган анжуманда оила ва тарбия, дин ва оила, оила ва жамоатчилик каби мавзуларда атрофлича сўз юритилди. Билдирилган тақлиф, тавсиялар умумлаштирилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Конференцияга тақдим этилган энг долзарб мақолалар илмий тўплам ҳолида чоп этилади.

Гулчехра ДҲРДИЕВА

ЮКСАКЛИККА ЧОРЛАГАН ЎГИТЛАР

...Болажонларим, илм олинг, ҳунар ўрганинг. Агар ёшликда қийналиб бўлсада ўқисангиз, илм-маърифат йўлини танласангиз, бир умр роҳат-фароғатда бўласиз. Сизни дангсаликка ундаётган барча одатлардан воз кечинг. Бугун сиз воз кечган ўша бир соатлик уйқу эртага олдингизга омад ва бахтни етаклаб келади. Абитуриентлик чоғингизда қанча ўқиб-ўргансангиз, имтиҳон кунда шунча осон бўлади. Зеро, ўқиш жараёнида қанча қийин бўлса – келажакда унинг натижасини кўрасиз. Меҳнатни қай даражада қилсангиз, роҳати ҳам шунга яраша бўлади!..

Менга қувватдори бўлган тиллога тенг маслаҳатлар...

Уйқу – абитуриентнинг ёқимли душмани. Турғиси, китоб менга "алла" айтарди. Айниқса, тарих китоби. Ярим тунда оймомо билан бирга дарс қилардим, негадир кўп ҳолларда тарихдаги воқеалар ривожини уйқу бекатида тушиб қолиб давом эттирдим. Бу кулгили ту-юлиши табийий ҳол, албатта. Бироқ устозларимнинг ҳар куни эринмай, қайта-қайта такрорлаб, қулоғимизга "қуйиб қўйган" насихатомуз гаплари менга илҳом бағишларди. Лицейдаги синф раҳбаримиз, "Ҳаёт сиз ўйлаганчалик мураккаб эмас, уни инсоннинг ўзи мураккаб-лаштириб юборади. Ҳаёт сиз ўйлаганчалик осон ҳам эмас, бироқ уни осонлаштириш ўзингизнинг қўлингизда. Келажакнинг бугунги ҳаракатингизга боғлиқ" – дея огоҳликка қақиритишдан асло эринмаганлари бизни илмга ташна қилди. Устозимнинг ушбу сўзларини тинглаб, ҳар куни ўзимдан "Бугун келажаким учун қандай пойдевор яратдим?" – деган саволга жавоб қидирардим.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, 80% инсонларнинг соҳага қизиқиши, ушбу соҳага тегишли фандан дарс берувчи устознинг маҳорати туфайли пайдо бўлар экан. Дарҳақиқат, маҳорат – ўқитувчининг

иш фаолиятида қўлланиладиган ноёб санъат ҳисобланади. Устозлар ўқувчининг юрагига етиб борадиган ва қалбини уйғотадиган некбин сўзларини топа бил-ши учун ҳам камида "сўз санъати соҳиби" бўлишлари лозим. Зеро, устоз умри шогирдларининг ҳатосини тузатиш билан ўтади. Бунга қараганда, улар бундан эринмайдилар ҳам. Шунинг учун ҳам халқимиз бежизга "Устоз отангдек улук" дейишмаган.

Устозимнинг "кўзимни мошдек очган" жавоҳирга тенг сатрлари яна кимгадир "кўзини очини" учун туртки бўлса ажаб эмас: "Болажонларим, хато қилишдан чўчиманг. Ҳозир хатоингизни тuzатадиган – мен борман. Хато қилишдан чўчиб ёхуд эринчоқлик қилиб, вазифаларни тўлиқ бажармас экансиз, билиб қўйингки, бу хатоларни сиз имтиҳон учун йиғиб қўяётган бўласиз!".

Шу ўғитлар сабаб, лицейни битириб, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида давлат гранти асосида қабул қилиндим. Бу мен учун олий бахт. Бу бахтни менга устозларим яратди, десам янглишмайман.

Дилноза АТОВА, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети 1-курс талабаси



МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Тошкент тиббиёт академиясига қарашли академик лицейда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси ташкил топганлигининг 15 йиллигига бағишланган маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда ЎзЛиДеПдан сайланган депутатлар, имом-хатиблар, академик лицей раҳбарлари, Ёшлар иттифоқи етакчилари ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этишди.

Тадбирни ТТА академик лицейи директори, халқ депутатлари Олмазор тумани Кенгаши депутати Анвар Шермуротов олиб борди.

Сўзга чиққанлар ЎзЛиДеПнинг ўтган йиллар давомида босиб ўтган шарафли йўли, партия олдига қўйган вазифалари, партиянинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳақида тўхталишди.

– ЎзЛиДеП партияси 2003 йилда ташкил этилган, – дейди Тошкент шаҳри бўйича "Йилнинг энг яхши депутати" номинатсияси голиби, халқ депутатлари Олмазор тумани Кенгаши депутати Бахтиёр Сағатов. – Партиянинг асосий мак-

сади тадбиркор ва ишбилармонлар қатлами кўллаб-қувватлаш, жамиятда улар мавқеини оширишга қаратилган. Ўтган йиллар давомида партияимиз ўз дастурида белгиланган вазифаларни оғишмай амалга ошириб келмоқда. Айни пайтда мамлакатда сон жиҳатдан аъзолари кўп, етакчи партияга айланган.

Тадбирда депутатлар ўқувчиларнинг саволларига жавоб қайтарилди. Шу куни академик лицейнинг энг фаол ўқувчилари ЎзЛиДеП сафига қабул қилинди.

Шунингдек, "Меҳрга ташна қалблар" доирасида ташкил этилган акция натижаларига кўра келиб тушган маблағга Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига депутатлар иштирокида совға-саломлар ҳада қилинди.

З.ШАРИФЖОНОВ

ҳитларда ишлашга уринишдир. Шу сабаб ҳудудимизда замонавий касб-ҳунарларни ўргатадиган "Талабалар корхонаси" фаолияти йўлга қўйилса, Хохловчи талаба-қизлар бирлашиб, соғлом муҳитда ишлаб, даромад топарди.

Мулоқот давомида шунга ўхшаш, манзилли 10 га яқин тақлифлар, тавсиялар илгари сурилди. Жумладан, бадий китоблар ўқиш бўйича тизимли лойиҳалар ўтказиш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ва соғлом турмуш тарзи бўйича талаба-қизларда кўникама ҳосил қилиш, "тенгдош-тенгдошга" тамойили асосида эрта турмуш қуриш ва ёш оилалар ажримининг олдини олишга қаратилган манзилли, самарали тарғибот тадбирларини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Ҳар бир лойиҳа ноънаънавий услубда ўтказилиши бўйича кўрсатма берилди.

Очик мулоқот давомида талаба қизларнинг бўш вақтини мазмунали ташкил этиш учун ўқув курсларга чегирмалар жорий қилиш, қолаверса, турли иллатларга қарши иммунитет ҳосил қилиш учун маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш лозимлиги бўйича ўз тақлифларини билдиришди.

Учрашув сўнггида "Қизларжон" клубининг йиллик дастури доирасида янги режа ва вазифалар белгилаб олинди.

Анатолий КЕЧИН

ОЧИҚ МУЛОҚОТДА МУҲИМ МАСАЛАЛАР

"Қизларжон" клуби аъзолари "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида махсус корхона фаолиятини йўлга қўйиш тақлифини илгари сурди.

Шаҳарча узоқ йиллар давомида интеллектуал салоҳиятли кадрларни етиштириш, маъна баркамол қилиб тарбиялашда алоҳида ўринга эга бўлиб келган. Айни дамда ҳам ушбу ҳудудда таҳсил олаётган ёшлар учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

Ёшлар марказида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг "Ёшлик" шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши қошида ташкил этилган "Қизларжон" клуби аъзолари иштирокида очик мулоқот бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий Кенгаши ва шаҳар Кенгаши масъул ходимлари, ЎзМУ ҳамда ТДТУ талаба-қизлари иштирок этди. Даставвал, "Қизларжон" клуби фаолияти атрофида муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу клуб "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳудудида талаба-қизларни ҳар томонлама

қўллаб-қувватлаш, маънавияти ва маданиятини юксалтириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, иқтидорли ёш талаба-қизлар сафини кенгайтириш мақсадида ташкил этилган.

– Бугун биз, ижтимоий фаоллигини намоён эта олмаётган талаба-қизларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига эришяпмиз. Клубимизга 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёш талаба-қизлар ихтиёрли равишда бирлашган, – дейди клуб раиси, ТДТУ талабаси Умида Сувонова. – Қатор йўналишларда турли лойиҳалар ўтказилмоқда. Натижаларимиз ёмон эмас. Шунга қарамай, талаба-қизлар орасида баъзи муаммоларга ҳам дуч келяпмиз. Бу, баъзи қизларнинг дарсдан бўш вақтларини интернетда ўтказётгани ёки бўлмаса, моддий ҳолатини яхшилаш мақсадида баъзи носоғлом му-

Қарор ва ижро ЯХШИ КИТОБЛАР ЧИН МАЪРИФАТ МАНБАИ Фарзандингиз қандай китоб ўқияпти? Унинг дизайни, мазмуни, гоёяси бола қалбига, тафаккурига қандай таъсир кўрсатади? Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ташкил этилган "Ноширлик иши: китобларнинг бадий-услубий савияси, китобхон эҳтиёжини қондириш борасида тақлиф ва тавсиялар" мавзусида ташкил этилган амалий конференцияда бадий жиҳатдан мукамал китоблар чоп этишга оид ишлар, нашриётларнинг бу борадаги масъулияти хусусида батафсил сўз юритилди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Л.Тангриев, филология фанлари номзооди О.Мадаев, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳаррири А.Аҳмедов ва бошқалар давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 август куни мамлакатимиз ижодкор зиёлилари билан ўтказган учрашуви чоғида оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, ноширлик соҳаси вакиллари зиммасида ҳам долзарб вазифалар юқлаганини таъкидлади.

Ўтган вақт мобайнида китобхонлиқни тарғиб қилиш, ноширлик ва матбаа соҳасини янада раванк топтириш бўйича кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилинди. Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори соҳа равнақи бўйича янги истиқболларни очиб берди. Юртимизда китобхонлик байрамлари ўтказилиши яхши аънава тусига кирди. Китоб тарғиботи бўйича амалий чора-тадбирлар ҳажми кенгайди. Халқимиз, айниқса, ёшларнинг китобга бўлган иштиёқи тобора кўнаймоқда.

Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ноширлик фаолиятини такомиллаштириш юзасидан халқаро форумлар, анжуманлар, амалий семинарлар муттасил ташкил этилмоқда. Айни пайтда ҳудудлардаги ноширлик уйлари, нашриётларга амалий кўмак кўрсатиш, уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, ўқувчи-ёшлар, талабалар ўртасида китобхонлиқни оммалаштириш юзасидан тизимли ишлар бажарилмоқда. Юртимизда китоб наشري ва унинг савдосини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон ноширлари ва китоб савдоси миллий ассоциацияси тuzилди. Агентлик ҳузурида ноширлик, матбаачилик ва ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантиришга яқиндан кўмаклашиш, соҳада мавжуд камчиликларга барҳам бериш, уларнинг олдини олиш мақсадида Жамоатчилик кенгаши ташкил этилди. Юртимизнинг етакчи нашриёт-матбаа ижод уйларида юксак бадий, полиграфия талабларига мос тарзда чоп этилган китоб маҳсулотлари бир қатор хорижий давлатларда ўтказилган китоб ярмаркаларида совринли ўринларга муносиб топилди.

Соҳа мутахассислари томонидан олиб борилган таҳлилларга кўра, айрим хусусий нашриётларда ижтимоий жиҳатдан аҳамиятсиз, хато ва камчиликлардан холи бўлмаган китоблар ҳамон нашр этилмоқда. Баъзи нашрларда оммавий маданиятнинг зарарли кўринишлари, ахлоқсизлик, маънавиятсизлик гоёяси мақсадида Жамоатчилик кенгаши ташкил этилди. Юртимизнинг етакчи нашриёт-матбаа ижод уйларида юксак бадий, полиграфия талабларига мос тарзда чоп этилган китоб маҳсулотлари бир қатор хорижий давлатларда ўтказилган китоб ярмаркаларида совринли ўринларга муносиб топилди.

Соҳа мутахассислари томонидан олиб борилган таҳлилларга кўра, айрим хусусий нашриётларда ижтимоий жиҳатдан аҳамиятсиз, хато ва камчиликлардан холи бўлмаган китоблар ҳамон нашр этилмоқда. Баъзи нашрларда оммавий маданиятнинг зарарли кўринишлари, ахлоқсизлик, маънавиятсизлик гоёяси мақсадида Жамоатчилик кенгаши ташкил этилди. Юртимизнинг етакчи нашриёт-матбаа ижод уйларида юксак бадий, полиграфия талабларига мос тарзда чоп этилган китоб маҳсулотлари бир қатор хорижий давлатларда ўтказилган китоб ярмаркаларида совринли ўринларга муносиб топилди.

Соҳа мутахассислари томонидан олиб борилган таҳлилларга кўра, айрим хусусий нашриётларда ижтимоий жиҳатдан аҳамиятсиз, хато ва камчиликлардан холи бўлмаган китоблар ҳамон нашр этилмоқда. Баъзи нашрларда оммавий маданиятнинг зарарли кўринишлари, ахлоқсизлик, маънавиятсизлик гоёяси мақсадида Жамоатчилик кенгаши ташкил этилди. Юртимизнинг етакчи нашриёт-матбаа ижод уйларида юксак бадий, полиграфия талабларига мос тарзда чоп этилган китоб маҳсулотлари бир қатор хорижий давлатларда ўтказилган китоб ярмаркаларида совринли ўринларга муносиб топилди.

Конференцияда юртимиз нашриётларида чоп этилаётган китобларнинг бадий савиясини, ижтимоий аҳамиятини юксалтириш, бу жараёнда муҳаррирлар, мусаххачлар ва дизайнер-расмолар масъулиятини ошириш, ижодий жамоаларда ёш кадрларни тайёрлаш, устоз-шогирд аънаваларини тиклаш масалалари, мавжуд камчиликларни бартараф этиш чоралари очик, ошкора ва танқидий руҳда муҳокама қилинди. Замонавий китобхон эҳтиёжи, бу борада ноширлар зиммасидаги долзарб вазифалар, ёш муҳаррир, техник муҳаррир, дизайнер кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакаси ва тажрибасини ошириш, бугунги китоб маркетинги, нашриётлар фаолиятининг оммавий ахборот воситаларидаги тарғиботи каби мавзулар юзасидан амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Анжуман доирасида китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Иштирокчилар "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи фаолияти билан атрофлича танишди.

(ЎЗА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"LANDSTAR GROUP EXPORT" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИП 305756391) "GLOBAL ACTIVE BUSINESS" масъулияти чекланган жамияти (СТИП 304364066) билан бирлаштирилиш шаклида қайта ташкил қилинганлигини маълум қиламиз. "LANDSTAR GROUP EXPORT" МЧЖ "GLOBAL ACTIVE BUSINESS" МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворисидир. Маълумот учун тел.: (97) 710-30-80.

Тошкент ш., Миробод тумани ДСИ томонидан 14.02.2018 йилда Нигматова Шаҳрибону Миразиз қизи (СТИП 590668454) номига берилган №556 рақамли ёлланган ҳодимни ҳисобга қўйиш қарточкаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Олмазор тумани, Себзор кўчаси, 313-уй манзилида жойлашган Олмазор енгил саноат касб-хунар коллежи номига 8.10.2009 йилда берилган 10080702030024 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли муқофот эвазига қайтарилсин. Телефон: (71) 240-54-49.

СПОРТ БИЛАН ҲАМНАФАС ЁШЛАР

Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ташкил этилганининг 27 йиллиги муносабати билан ташкилотнинг "Сергели Ўқув спорт техника клуби" унитар корхонасида "Биз ватанпарварлармиз" шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

Ёш авлодни соғлом, маънан етук, комил инсон бўлиб улғайиши учун юртимизда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ана шундай шароитлардан унумли фойдаланиб, қатор ютуқларни қўлга киритаётган ёшлар сони тобора ортаётгани қувонарли ҳол.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, касб-хунарга йўналтириш мақсадида Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Сергели Ўқув спорт техника клуби" УК томонидан турли мусобақалар ўтказилмоқда. Тадбир доирасида пеналёт бўйича ўтказилган мусобақа ҳам ана шулар жумласидан.

Мусобақада туманда жойлашган "Баркамол авлод" болалар марказида шуғулланаётган ўғил-қизлар ўз кўллари билан ясаган моделлари билан қатнашдилар. Устозларнинг ўғити, болалардаги ўз ишига бўлган муҳаббат тадбир давомида яққол сезилди. Барча қатнашчилар ўз ишига масъулият билан ёндошиб, рақибларидан ўзиб кетишга интилдилар.

— Дарҳақиқат, ёш авлодга тўғри таълим-тарбия бериш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, уларни ватанпарварлик руҳида камол топишлари учун катталар масъулдир, — дейди унитар корхонанинг Маънавият, ташкилий оммавий ишлар ва ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи бўйича бошлиқ ўринбосари Хуршида Базарова. — Бундай мусобақани ўтказишдан асосий мақсад ўсиб келаятган ёш авлодни маънан ва жисмонан бақувват этиб тарбиялаш, уларни спорт турларига бўлган қизиқишларини орттириш, ўз Ватанига бўлган меҳр-муҳаббатни юксалтириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда жисмоний чиниқтиришга қаратилган.

Мусобақа давомида пеналётнинг турли йўналишлари бўйича 1-, 2- ва 3-ўринларни эгаллаган голиб ўқувчилар диплом ва медаллар билан тақдирландилар.

Зиёда РАСУЛОВА



ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ РАПИД ЙЎНАЛИШИДА 27 МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Пойтахтимизда шахмат бўйича Фарбий Оснӣ чемпионати ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси ва мамлакатимиз шахмат федерацияси томонидан ўтказилаётган чемпионатда вакилларимиздан ташқари БАА, Ҳиндистон, Бангладеш, Қозоғистон, Эрон, Туркменистон, Тожикистон, Шри-Ланка, Афғонистон ва Қирғизистондан келган 6-20 ёшгача бўлган ўсмирлар ўзаро рақобатлашмоқда. Шахматчилар мусобақа-

нинг илк кунда рапид йўналишида ўз омадларини синаб кўрдилар. Ушбу баҳсларда шахматчилар 48 та медаллар жамғармаси учун ўзаро куч синашди. Унда вакилларимиздан Шаҳзод Исломов, Шамсиддин Воҳидов, Ҳумоюн Бекмуродов, Ақобирхон Сайдалиев, Нодирбек Ёқуббоев, Зайнура Абброва, Шаҳзода Ҳасанова, Афруза Ҳамдамова, Умида Омонова ҳамда Ситорат Сапарова ўз ёш тоифаларида олтин ме-

дални қўлга киритди. Шунингдек, ушбу йўналишда шахматчиларимиз 7 та кумуш, 10 та бронза медалига сазовор бўлди. Энди мусобақа иштирокчилари стандарт шахмат бўйича 9 тур давомида баҳс олиб борадилар. Мазкур йўналишда голиблар аниқланган, 22 ноябрь куни блиц йўналишида ҳам 9 турда ўз омадларини синаб кўрадилар. Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎЗА мухбири

Профессионал боксда фаолият олиб бораётган ҳамюртимиз Азизбек Абдуғофуров Филиппинда ўзининг навбатдаги жангида рингга кўтарилди.

ЧЕМПИОНЛИК КАМАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛДИ

Абдуғофуров мазкур жангда ўзининг "WBC-Silver" камарини ҳимоя қилди. Баҳсда боксчимизга хитойлик Вухати Нурланг рақиблик қилди. Тўқнашув тўлиқ ўн икки раунд давом этди ва якунда ҳамюртимиз очколар ҳисобида галаба қозониб, камарни ўзида сақлаб қолди.

Жанг Азизбек Абдуғофуров учун профессионал боксдаги ўн иккинчи-

си бўлиб, ҳамюртимиз уларнинг барчасида галаба қозонган. Тўртта жангда рақибларини мuddатидан аввал нокаутга учратган. Нурланг эса фаолиятидаги 13-жангини ўтказди. У бунгача 11 мартаба рақибларини мағлубиятга учратган (9 тасида нокаут эвазига). Бу гал фаолиятидаги иккинчи мағлубиятини қабул қилиб олди.

НАВБАТДАГИ РАҚИБ АМЕРИКАЛИК БОКСЧИ

Профессионал рингга муваффақиятли юришини давом эттираётган ҳамюртимиз Муроджон Аҳмадалиев навбатдаги жангини 24 ноябрь куни ўтказди.

Жорий йилнинг 23 август куни училилик Рамон Контрерасга қарши рингга чиқиб, "WBA" чемпионлик камарини қўлга киритган эди. Энди боксчимиз бўлажак тўқнашувда ана шу камарни ҳимоя қилди. Мазкур қарама-қаршиликда унга америкалик тажрибали боксчи Исаак Зарате рақиблик қилади. Бу боксчилар иштирокидаги жанг Калифорния штати (АҚШ)нинг Атлан-

тик шаҳрида ташкил этилади. Жанг давомидаги ўн раунд этиб белгиланган. Эслатиб ўтамиз, Муроджон профессионал рингдаги фаолиятини жорий йилнинг март ойида бошлаган ва шу вақтга қадар 4 та жанг ўтказиб, уларнинг барчасида зафар қучган. Учтасида нокаут қайд этган.

Ботир ХЎЖАЕВ

"101" ПРОФИЛАКТИКАНИНГ ЎРНИ МУҲИМ

Қўндалик турмушда газнинг ўрни беқийс, бироқ ундан фойдаланишнинг ҳам ўз йўли, қонун-қоидалари бор. Уларга доимо амал қилишганига ҳаётимиз беҳавотир, тинч, осуда кечади.

Биз шу оддий, ammo аҳамияти катта бўлган йўл-йўриқлардан доимо огоҳ бўлмоғимиз даркор. Зеро, олов билан ҳамнафас ҳаётимиз биздан ҳамиша ҳушёр бўлишни талаб этади. Агар биз бепарволикдан халос бўлсак, "тилсиз ёв" ҳаласига дуч келмаймиз. Ота-оналарнинг бепарволиги туфайли, болалар қўлига тушиб қолган гуғурт ёқилиши натижасида ёнғинлар келиб чиқиши шубҳасиз. Газ манбани туман газ таъминоти ходимлари томонидан назоратдан ўтказиш, шу билан бирга уй эгаларини газ ускуналаридан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя этган ҳолда ишлатиш ва аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Азиз АШИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини девоини биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЕХБ инспектори, лейтенант

Кўпинча ёнғинлар аҳоли турар жойларида содир бўлишини эътиборга олган ҳолда фуқаролар ўртасида ёнғин хавфсизлиги бўйича профилактик ишларни қучайтиришга эътибор қаратилмоқда.

Текширувлар жараёнида ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг қўпол равишда бузилишига йўл қўйган корхона ва масканлар рақбарияти, мансабдор шахсларга ҳамда ишчи-хизматчиларга нисбатан жарималар солинди. Бундан ташқари, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига хилоф равишда ўрнатилган ва фойдаланиб келинаётган носоз электр ускуналари, агрегат ва электр тармоқлари тегишли тартибда муҳриллаб қўйилди.

Хонадонларда ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида янги қурилатган ёки таъмирланган хонадонларда ёнғинларнинг орасида 6 метрдан кам бўлмаган ёнғинга қарши оралиқни сақлаш лозим. Фуқароларимиз турар жой ёки қурилиш ишларида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига риоя қилинса ўз ҳаёти, мол-мулкни асраган бўлади.

Махсуд АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЕХБ катта инспектори, подполковник

Ёнғинлар кўпинча эҳтиётсизлик сабабли юз беради. "Тилсиз ёв" оқибатида нафақат моддий зарар кўрилади. Баъзан у одамларнинг умрига ҳам зомин бўлади. Шу боис ёнғинни бартараф қилгандан кўра, унинг олдини олган афзалдир. Энг ачинарлиси, ёнғин келиб чиқишига айрим фуқароларимизнинг оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билмаслиги ёки уларга риоя этмаслиги сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари қўлбола иситиш ускуналаридан фойдаланиш, газ плиталарига резина шлангларни улаш, электр тармоқларидаги қисқа туташувлар кўнгилсиз воқеаларни келтириб чиқармоқда.

Ёнғин қачон, қарда, нима сабабдан юз беришдан қатъий назар одамларга ташвиш келтиради. Шундай экан доимо огоҳ бўлайлик!

Комил АЗИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЕХБ инспектори, сержант

Барчамизга аёнки куз фасли ҳазонрезги фаслдир. Ушбу мавсумда маҳалларда, қўчалар эҳтишда дархатлардан тушган қозонлар ва қуриган ўтларни ёқиб ҳоллари учраши табиий ҳол, албатта.

Бироқ доно халқимиз олов – "тилсиз ёв" деб бежиз айтмайди. Назоратсиз қолдирилган олов салбий оқибатларга олиб келиши ҳаммаимизга аён. Салбий оқибатларнинг олдини олиш, шунингдек, Иқтисодиёт вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бўлими масхасий таркиби ёнғиннинг олдини олиш бўйича профилактик ишларни амалга ошириб келмоқда. Бундан қўзланган мақсад ёнғиннинг олдини олиш, барчани огоҳлиқда нақаршидан иборат.

Мирзоид НАБИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЕХБ инспектори, катта лейтенант

Кишилар "Ўз уйингни ўзинг асра" шиорини асосан мол-мулкни беғоналар таъжовуздан сақлашни туюнади. Ammo ўзимиз, яқинларимиз ва уй-жойимизни ёнғин офатидан сақлаш ҳам хавфсизликнинг ажралмас бир қисмидир. Бу эса ҳаммаимизга ерда масъулиятли бўлишни талаб этади. Чунки эҳтиётсизлик ёки бошқа бирор сабаб билан келиб чиққан ёнғин оқибатида уй ёки ишхона, у ердаги моддий бойликлар чин маънода ёниб, қулга айлангани ҳеч гап эмас. Бу каби нохушиликларнинг олдини олиш учун барчамиз бирдек қоидаларга амал қилишимиз муҳим.

Гофур ИСАНБЕКОВ, Учтепа тумани ЕХБ инспектори, сержант

Давлат ёнғин назорати ва жамоат таъшилотларининг фаолиятида аҳоли яшаш жойларида ёнғинларнинг олдини олиш ишлари тизимли равишда олиб бориладими. Юқори қаватли ва ёнғин чикми хавфи юқори бўлган паст қаватли яшаш уйлари ёнғинга эътибор қаратиш муҳим. Аҳоли турар жойларида ёнғинлар билан боғлиқ вазиятлар кескинлашган даврлар бошланганидан олдин уй-жой фонднинг ёнғинга қарши ҳолатини текширишни ёнғин хавфсизлиги қўшма-қўшма, уй-жойдан фойдаланиш таъшилотларининг ходимларини кенг жалб қилган ҳолда текшириш лозим. Шу билан бирга яшаш жойларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ақс этирилган эслатмалар, буклетларни аҳолига тарқатиш ҳам "тилсиз ёв"нинг олдини олишга хизмат қилади.

Аҳоли турар жойларида ўтказилган ёнғин-техник текширувлари натижаларини хонадон эгалари ва уларнинг оила аъзолари билан муокама этиш, ушбу масалаларни фуқароларни ўзини ўзи бошқариш таъшилотларида кўриб чиқиш, шунингдек, турар жойларида содир бўлган ёнғинларнинг оқибатларини уларга етказиш ҳам эҳтиёт чораларини кўриш муҳимлигини намоён этади.

Улуғбек МУМИНОВ, ЎзМТРК ЕХБ ТРУ ЕХБ кичик инспектори, сержант

Ўзидромет ХАБАР ҚИЛАДИ. Кечаси — 1-3, кундузи — 13-15 даража илқ бўлади. Ўзидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 21 ноябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлослиқнинг даражаси паст бўлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИББИЁТ СОҲАСИ ВАКИЛЛАРИ ВА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Жорий йилнинг 27 ноябрь куни "LOTTE CITY TASHKENT PALACE" меҳмонхонасининг "Тошкент" конференциялар залида соат 14:00 дан 18:00 гача Корея Республикасининг Гёнганбук-до вилояти тиббиёт муассасаларининг семинар-брифинги бўлиб ўтади. Ушбу семинар-брифингиде Корея Республикасидан қуйидаги шифохона вакиллари иштирок этади:

Logos for Andong Medical Group Hospital, Gumi Gang Dong Hospital, Gyeongsang Saemyung Hospital, Pohang Woorldul Hospital.

Logo for Gyeongbuk Gyeongbuk and Eride Gyeongbuk.

Корея Республикаси тиббиёт муассасалари, шифохоналари фаолиятига ҳамда даволаш тизими ҳақида яқиндан танишиш истагида булган тиббиёт ходимлари, шифокорлар ва Корея Республикасида даволанишни истовчиларини мазкур семинар-брифингта тақлиф этамиз.

Тошкент давлат техника университети томонидан 2017 йилда Мамадиев Бозор Рўзибой ўғли номига берилган 4/9-392 рақамли рейтинг дафтари ҳисоби йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

2018 йил 16 ноябрь куни "Тошкент оқшоми" газетасида чоп этилган эълондаги "Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси WKF деб номланган думалоқ муҳри тасдиқланганлигини маълум қиламиз" деган сўз жумласи "Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси WKF KARATE деб номланган думалоқ муҳри тасдиқланганлигини маълум қиламиз" деб ўқилсин.

"FAYYOZ KAFOLAT BARAKA BIZNES" МЧЖ (ИНН303465946) таъсисчиларнинг 20.11.2018 йилдаги 1№ баённомасига асосан "FA ENERGY KO" МЧЖ (ИНН305716963)га қўшилиётганини маълум қилади. "FAYYOZ KAFOLAT BARAKA BIZNES" МЧЖга нисбатан даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қуйидаги манзилда кўриб чиқилади: Шайхонтохур тумани, Лабзак тор кўчаси, 20-уй. Тел: +99890 989-80-77.

Table with columns: Лицензия варақаси, Русуми, Давлат рақам белгиси. Rows include AT № 2309520, AT № 2266385, AT № 2203983, AT № 2201892, AT № 2201893, AT № 2172419.